

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Камаши шаҳри

№ 8

2022 йил «10» июнь

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Ободонлаштириш бошкармаси номидан

Низом асосида иш курувчи Ж.Абдиев бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Модернизация наредбе сервис МЧЖ (буюртмачининг номи)

Номидан Низом асосида иш курувчи раҳбари В. Рамаева иккинчи томондан И. Раҳмонов (юридик шахснинг номи)

И. Раҳмонов (объектнинг номи)

объектни фойдаланишга тайёр холда куришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

**ижро** ҳужжатлари — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги туғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик, даврда қабул қилиниши туғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови туғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтари хамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

курулиш майдони — мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

вақтинчалик иншоотлар — Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар — сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нарҳини булиб чиқиш — ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига

автомобиль В. Рамаева И. Раҳмонов иски (лойиханинг номи)

лойихада кузда тутилган объектни фойдаланишга тайёр холда куриш буйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома буйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил «07» июнь даги 86655-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда жорий нарҳларда 866 000 000 (саккиз юз 866 000 000 сумми ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- курилиш қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортиқда узгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ, булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарҳларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегинли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча бигим билан расмийлаштирилади.

## IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

— барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга \_\_\_\_\_-иловага мувофик, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик, топшириш;

— \_\_\_\_\_-иловага мувофик, курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарактларни ва ер участкасини муҳрфаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлар урнатиш;

— курилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

— мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатил;

— курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

— мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг Уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик, мулккий жавоб беради.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага \_\_\_\_\_-иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

— ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

— Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

— молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига \_\_\_\_\_-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

— мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

— миллий валюта «сумда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда — томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

— кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада «сумда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда — шартнома қонун ҳужжатларига мувофик, руйхатдан утказилгандан кейин кучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси буйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) булган холда аванс утказиши, бу 259 860 000 сумни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади ( \_\_\_\_\_ -илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб курилиш ту-галлангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда:

— объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида — ишлар қийматининг камида 45 фоизи миқдорида;

— мазкур шартномада белгиланган қаноатли муддат тамом булгандан кейин — ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорида, бироқ, молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узиди сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида булади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга қирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган холда, шартномага узгартиришлар киритиш ёки шартномани бир

томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақтинчи — техник аудитор тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажариладиган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга рўя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.
27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб ўч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.
28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.
- Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан киритади.
29. Пудратчи геодезия булиш ишларида урнатиладиган координатлар, баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.
30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
31. Пудратчи узи томонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини қарантиллаб беради.
32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.
33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.
35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақида хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.
- Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини ҳисобласа жавобгар ҳисобланмайди.
36. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қилинган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.
37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полдасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.
38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарида юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳолатлар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтда етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши Тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.
- Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмасе, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

## IX. Ишларни куриклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тусилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк объект кабул килиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарлишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар курилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. Курилиши тугалланган объектни кабул қилиб олиш

44. Курилиши тугалланган объектни кабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга кабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида кабул қилиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V булимга мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқдаши керак.

47. Кабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

— барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

— лойиха ҳужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

— Узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

— ишларни кабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф қилишни;

— объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни кабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 йил этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII булимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитекткурулишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

— шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан қура вақтга кечиктирилганда;

— ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қурайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

— Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ, бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда;

— Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

— иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қурсатишган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир қура учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг фойзи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қурсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фойзидан ошмаслиги лозим.

• Пеня тулашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортишми учун Буюртмачи Пудратчига уз тасдиқлашни рад этган ёки бош тортиш суммасининг        фойзи миқдорда жарима тулайди.

61. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир қура учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг        фойзи миқдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг        фойзидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир қура учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг        фойзи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг        фойзидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар қурсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг        фойзи миқдорда жарима ундариш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдала ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда икътисодий суди томони куриб чиқилади.

**XVI. Алоҳида шартлар**

- 66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги бажаришнинг ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари ушбу қонуннинг 17-моддасида.
- 67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачини ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайди.
- 68. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган томонлар уларни имзолаган булса, ҳақиқий ҳисобланади.
- 69. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартириш шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
- 70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида унга тегишли молликни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш саноисига бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.
- 71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.
- 72. Мазкур шартнома бир ҳил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилади.  
Шартнома муддати 31.12.2022- йил

**XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари**

**«БУЮРТМАЧИ»**

Камашни туман Ободонлаштириш бошқармаси  
 ш/х: 4818223860102207045254118002  
 Камашни Агробанк МФО: 00160  
 ИНН: 206946624  
 ОКОНХ 90211

Малия Вазирлиги Газначилиги  
 23402000300100001010  
 ИНН: 201122919  
 МФО: 00014 Марказий банк Тошкент ш.

Бошлик:



*Н. Абдураб*

**«ПУДРАТЧИ»**

*Мажбуриятларнинг ахдида  
 2020 2000 604873060001  
 МФО - 00401  
 ИНН - 301 244 330  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Ўзбекистон Республикаси*

Бошлик:



*А. Рахмонов*

## Korrupsiyaga qarshi qoidalarining ASOSIY SHARTLARI

1. Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni Qamashi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsning manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:

- pora berishni taklif qilish yoki va'da berish;
- tovlamachilik qilish;
- pora sifatida pul to'lash;
- bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.

Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'rilishiga kafolat beradi.

2. Agar shartnoma bo'yicha bir Tomon Qamashi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi xodimining axloqqa to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:

- korrupsiya haqida xabar berishga mo'ljallangan ishonch telefoni;
- Telegram-kanali "99897 383 38 30"

Qamashi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi  
rasmivyeb-saytidajoylashtirilganshaklyokielektronpochta.

### TOMONLAR:

"Modernizatsiya maxsus servis" mchj

(imzo)

Qamashi tuman Obodonlashtirish  
boshqarmasi

(imzo)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA  
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA

1. Loyiyaning turi : Shartnoma

2. Loyiyaning nomi: Pudrat shartnomasi

«Modernizatsiya maxsus servis» mas'uliyati cheklangan jamiyati va Qamashi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi o'rtasida Qamashi tumanidagi Koparena MFY ichki avtomobil yo'llarini joriy ta'mirlash bo'yicha 866 000 000 so'mlik ishlarni bajarish yuzasidan 8-sonli pudrat shartnomasi loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Qamashi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022 yil 10 iyunda dasturga kiritilgan

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i



B.Ro'ziyev



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 95555 на приобретение Камаши туман  
Коратепа МФЙ Коратепа кучаси йулларини асфальт килиш жорий таъмирлаш ишлари**

Способ проведения электронный

Дата 07.06.2022

Время рассмотрения 07.06.2022 23:21

Конкурсная комиссия Камаши Ободонлаштириш булими, (Далее - Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ABDIYEV JUMANAZAR BEGIMQULOVICH	Рахбар	Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	ESHMURADOVA ZULFIYA SUYUNOVNA	Котиба	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	SHARIPOVA DILDORA MAVLONOVNA	Бош мутахасис	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	QUYLIYEV XOLMUMIN QUVVATOVICH	Бош мутахасис	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	BOZAROV BAYRAMALI RASUDDOVICH	Мухандис	Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	ABDIYEV RUZIMURAT YULDASHOVICH	Бош хисобчи	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.06.2022 года № лота 95555.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 97.00 / Весовой коэф. ценовой части: 3.00)

Мин. балл: 45

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог</b>
Подробное описание	Камаши туман Коратепа МФЙ Коратепа кучаси йулларини асфальт килиш жорий таъмирлаш ишлари
Количество товара	1 00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	873 000 000.00
Стартовая сумма	873 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 тегишли техника ва асбоб ускуналари

Тип: Текстовое значение

Описание: тегишли техника ва асбоб ускуналари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	10	10	9	Экспертная		
"Коммунал саноат курилиш" МЧЖ	10	10	8	Экспертная		

Критерий №2 ГУВОХНОМА ВА ЛЕЦИНЗИЯ

Тип: Текстовое значение

Описание: ГУВОХНОМА ВА ЛЕЦИНЗИЯ

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	10	10	9	Экспертная		
"Коммунал саноат курилиш" МЧЖ	10	10	8	Экспертная		

Критерий №3 ишчи ходимлар тугрсида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: ишчи ходимлар тугрсида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	10	10	9	Экспертная		
"Коммунал саноат курилиш" МЧЖ	10	10	9	Экспертная		

Критерий №4 рейтинг даражаси

Тип: Текстовое значение

Описание: рейтинг даражаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	10	10	9	Экспертная		
"Коммунал саноат курилиш" МЧЖ	10	10	7	Экспертная		

Критерий №5 20% айланма маблаг маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: 20% айланма маблаг маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	15	15	12	Экспертная		
"Коммунал саноат курилиш" МЧЖ	15	10	10	Экспертная		

Критерий №6 мажбурий талабларни бажарилиши

Тип: Текстовое значение

Описание: мажбурий талабларни бажарилиши

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	10	10	8	Экспертная		
"Коммунал саноат курилиш" МЧЖ	10	10	8	Экспертная		

Критерий №7 топшириш кабул килиш далолтномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: топшириш кабул килиш далолтномаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	10	10	8	Экспертная		
"Коммунал саноат курилиш" МЧЖ	10	10	8	Экспертная		

Критерий №8 солик ва молиявий хисоботлари

Тип: Текстовое значение

Описание: солик ва молиявий хисоботлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	10	10	9	Экспертная		
"Коммунал саноат курилиш" МЧЖ	10	10	9	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая	Предлагаемая	Дата	Оценка
------------------------	-----------	--------------	------	--------

	сумма	сумма	предложения	стоимости (балл)
"Коммунал саноат курилиш" МЧЖ	873 000 000.00	821 000 000.00	07.06.2022 21:26:05	3.00
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	873 000 000.00	866 000 000.00	07.06.2022 16:48:22	2.84

Итоговая оценка участников включая финансовую части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"Коммунал саноат курилиш" МЧЖ	76.45928	3	79.45928
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	83.30554	2.84411	86.14965

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 95555 от 07.06.2022 года на приобретение Камаша туман Коратепа МФЙ Коратепа кучаси йулларини асфальт килиш жорий таъмирлаш ишлари определила победителем:

MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS  
301744330

и резервный исполнитель: "Коммунал саноат курилиш" МЧЖ (204039037)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	ABDIYEV JUMANAZAR BEGIMQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	BOZAROV BAYRAMALI RASHIDOVICH	Согласен	
Член комиссии	SHARIPOVA DILDORA MAVLONOVNA	Согласен	
Член комиссии	QUVLIYEV XOEMUMIN QUVVATOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDIYEV RUZIMURAT YULDASHOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП